Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
14 январь
ШАНБА
№ 5 (12953)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли юртдошлар!

Шу кунларда бутун халқимиз мамлакатимиз ҳаётидаги буюк тарихий санани байрам қилмоқда. Яъни, Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда.

Ана шу қутлуғ айём билан ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек энг улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бугун, мана шу шонли байрам кунида буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотирасига барчамиз яна бир бор ҳурмат бажо келтирамиз. Ўтган 25 йил давомида Қуролли Кучларимизни барпо этиш йўлида қўлга киритган беқиёс ютуқларимиз азиз Юртбошимизнинг номи билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур миннатдорчилик билан эсга оламиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларда айнан Ислом Абдуғаниевич намоён этган принципиал позиция, сиёсий ирода ва азму шижоат туфайли миллий армиямизга асос солинди. 1992 йил 14 январда юртимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига ўтказилди. Мана, 25 йилдирки, ана шу тарихий кун Қуролли Кучларимиз пойдевори қўйилган, истиқлолимиз солномасига олтин ҳарфлар билан ёзилган буюк сана сифатида байрам қилинмоқда.

Биринчи Президентимиз ўша оғир йилларда **"Ўзининг буюк тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган халқимиз мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олади"**, деб катта ишонч билан айтган эдилар.

Бугунги кунда ана шу улкан ишончга ҳар томонлама лойиқ бўлган Қуролли Кучларимиз ташкил этилганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ҳақиқатан ҳам, тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия барпо этилди, деб ғурур ва ифтихор билан айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида турли қуролли тўқнашув ва қарама-қаршиликлар юз бераётган ғоят мураккаб шароитда Ўзбекистон Қуролли Кучларига асос солингани, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, ёш давлатимизни қуриш жараёнида ҳал этилган буюк вазифалардан бири бўлди. Айнан миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислоҳотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли кафолат, тоғдек таянч бўлиб келмоқда.

Албатта, мустақилликнинг илк йилларида барча соҳалар каби ҳарбий йўналишда ҳам кўплаб оғир муаммолар тўпланиб қолган эди. Аввало, қўшинларнинг моддий-техник таъминот тизими талаб даражасида эмас эди. Ҳарбий тузилмалар ўзининг қурилиши ва жанговар таркиби бўйича янги пайдо бўлган таҳдидлар олдида заиф эди. Энг мушкул муаммо – малакали ҳарбий кадрлар етишмасди. Шунинг учун миллий армиямизни барпо этиш ва ислоҳ қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди.

Ўтган чорак аср давомида ана шу стратегия асосида, Миллий хавфсизлик концепцияси ва Мудофаа доктринаси доирасида кўп ишлар қилинди. Юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри ва унинг реал хусусиятлари, илғор хорижий тажрибалар ҳар томонлама ҳисобга олинди. Шу асосда ихчам, яхши таъминланган, юксак жанговар руҳга эга бўлган миллий армиямиз барпо этилди.

Қисқа муддатда ҳарбий округлар, чегара минтақалари, шунингдек, жанговар қобилиятга эга қўшин гуруҳлари, биринчи навбатда, мураккаб жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлган Ички вазифалар корпуси ва Махсус операциялар бўйича кучлар ташкил этилди.

Бугунги кунда ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими шакллантирилди. Қуролли Кучлар таркибида турли қўшинларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлайдиган механизмлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими принципиал жиҳатдан мутлақо янги асосга ўтказилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизматчилар умумий сонининг – шунга эътибор беринг – атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш эса учта ҳарбий билим юртида ва бор-йўғи учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилар эди. Амалга оширилган ишлар натижасида қўшимча равишда янги, замонавий учта ҳарбий таълим муассасаси ташкил этилди, курсантларни ўқитиш тизими эса кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди.

Юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича энг зарур вазифалар самарали ҳал этилмоқда. Бу борада, айниқса, 1995 йилда ташкил этилган Қуролли Кучлар академияси ғоят муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, армиянинг асосий таянчи бўлган сержантлар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сержантларни ўқитиш 2001 йилда илғор халқаро стандартлар асосида ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида 26 та йўналиш ва мутахассислик бўйича олиб борилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Мустақилликка эришганимиздан сўнг фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тизимини ислоҳ қилиш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида жамиятимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Миллий армиямиз ташкил этилган дастлабки йилларда ҳарбий қисмларни ёш аскарлар билан тўлдиришда жиддий муаммолар мавжуд эди. Собиқ шўро тузумида армияда хизмат қилган катта авлод вакиллари яхши билади, ўша пайтда ҳарбий хизматни ўташ, айниқса, Ўзбекистон ёшлари учун оғир ташвиш ва машаққат эди. Чунки, юртимиз ёшлари асосан қурилиш батальонларига қора ишчи сифатида юбориларди.

Ҳарбий қисмлардаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит, устав қоидаларига зид бўлган муносабатлар туфайли қанча-қанча навқирон йигитлар, ота-оналар жабр чеккани – булар ҳаммаси ҳақиқат.

Янги миллий армияни яратишда бундай салбий иллатларга мутлақо чек қўйиш керак эди. Шу мақсадда бир неча йиллар давомида изчил иш олиб борилди. Жумладан, муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитлари, озиқ-овқат таъминоти тубдан яхшиланди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган ёшларнинг ишга жойлашиши ва олий ўқув юртларига ўқишга кириши билан боғлиқ имтиёзлар тизими белгиланди. Буларнинг барчаси ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳит шаклланиб, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи кескин ошишида муҳим омил бўлди.

Ана шу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида фуқароларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташини назарда тутадиган ўзига хос ноёб тизим яратилди. Бу тизимда ёшлар нафақат зарур ҳарбий тайёргарликдан ўтади, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқади. Улар ўзларининг фуқаролик масъулияти, Ватан ҳимоячиси сифатидаги муқаддас йигитлик бурчини чуқур англаб, ўз юртига фидойи инсон бўлиб етишади.

Бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир. Бу ҳақиқатни юртимиздаги барча ота-оналар, бутун халқимиз ғурур билан, миннатдорчилик билан эътироф этмоқда.

**Ҳозирги кунда оналар ўз фарзандларини армияга кўзда ёш, юракда хавотир билан эмас, балки менинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади, деб, юксак ишонч ва фахр туйғуси билан кузатмоқда.**

Оналар кўнглидаги розилик – бу бутун халқимиз қалбидаги розилик ифодаси, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ҳурматли юртдошлар!

Миллий армиямиз ривожланиб бориши билан уни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўшинлар замонавий ва модернизация қилинган ўқ отар ва оғир қуроллар, вертолётлар, самолётлар, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари, автомобиль ва бронетехникалар, алоқа воситалари билан таъминланмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шаҳарчаларда замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Ана шу дастурлар доирасида 15 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилар оиласи уй-жой билан таъминланганини, айниқса, эътиборлидир.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу йўналишдаги тизимли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Мустақиллик йилларида Қуролли Кучлар устидан фуқаролик назоратини амалга ошириш бўйича самарали механизм ишлаб чиқилди. Бу механизм миллий армия фаолиятида очиқликни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунингдек, ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳарбий хизматчилар ва чақирув ёшидаги фарзандларимизни тарбиялашга фуқаролик институтлари ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этишда муҳим роль ўйнамоқда. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича Олий Мажлис палаталари қўмиталари, Мудофаа вазирлиги ҳузурида 2012 йилда ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши бугунги кунда Қуролли Кучлар билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда.

Буларнинг барчаси миллий армиямизни халқимизга, халқимизни миллий армиямизга янада яқинлаштиришдек ғоят муҳим мақсадга хизмат қилмоқда.

Давоми 2-бетда.

Бугун – Ватан ҳимоячилари куни



## ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

*Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини биринчи навбатда унинг армияси ҳимоя қилади. Шу боис, истиқлолимизнинг дастлабки кунларида – 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилиб, 1992 йил 14 январь куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1993 йилнинг 23 декабрида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгиланди.*

Давоми 2-бетда.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

*Эндиликда вилоятимиз аҳолиси бошқарма бошлиғи билан бевосита мулоқот қилиш, таклиф, мулоҳаза ва мурожаатларини интернет тармоғи орқали юбориш имконига эга бўлди. Демак, халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари устуворлиги борасида ички ишлар органлари ходимлари зиммасидаги масъулият янада ошди.*

## ВИЛОЯТ ИИБ БОШЛИҒИНИНГ ВИРТУАЛ ВА САЙЁР ҚАБУЛХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан, шунингдек, Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармонидан келиб чиқиб, қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган адолатпешаликни янада кенг қарор топтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоят ИИБга келиб тушган мурожаатлар атрофлича ўрганилиб, фуқароларни қийнаётган муаммо ва камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига имкон яратилмоқда. Аҳолига янада қулай шароит яратиш ва соҳага оид масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш мақсадида иш бошлаган виртуал қабулхонага фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволлар, муаммолар юзасидан интернет тизимидаги online.toshkentviloyatiiib.uz ҳаволаси орқали бевосита мурожаат йўллашлари мумкин.

Шунингдек, мурожаатлар билан ишлашнинг тубдан янгича тизимини жорий этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик ҳамда манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсадида "Тошкент вилояти ИИБнинг сайёр қабулхонаси" ҳам тузилди. Сайёр қабулхона замонавий компьютер тўплами билан жиҳозланган махсус "ISUZU" автобусида ҳудудларга бориб, очиқ мулоқот қилиш имконини бермоқда.

Вилоят ИИБ раҳбарияти, турли соҳавий хизмат вакиллари ҳамда маҳаллий мутасадди раҳбарлар иштирокида ўтаётган бундай мулоқотлар давомида фуқаролар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топишмоқда.

**Нуриддин АБДУЛЛАЕВ,**
**катта лейтенант.**

Ғамхўрлик

## ЭЪЗОЗДАГИ ДУОГЎЙЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони жойларда катта қизиқиш билан ўқиб ўрганилмоқда. Айниқса, кекса отахон ва онахонлар, қарилик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари ушбу Фармон юзасидан ўзларининг самимий дил сўзларини изҳор этишмоқда.*

**Эргаш РЎЗИБОЕВ, "Нуроний" жамғармаси Бекобод тумани бўлими раиси:**

– Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу Фармон фахрийларимизни, нуроний отахон ва онахонларимизни, борингки, кекса авлод вакилларининг барчасини хушнуд қилди. Ҳеч бир мамлакатда бизнинг юртимиздаги сингари кексаларга бу қадар катта эътибор қаратилмайди. Бинобарин, кексалар, нуронийлар оилаларнинг кўрки ва фариштасидир.

**Берди ота ҒОФУРОВ, меҳнат фахрийси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:**

– Муҳтарам Президентимизнинг биз, нуронийларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан бошимиз осмонга етди. Давлатимиз нимаики эзгулик бўлса, биринчи галда кексаларга илинмоқда. Ёлғизлардан хабар олиш, туғилган кунларида ва байрамларда уларга совға-саломлар улашиш, фахрийларга моддий ва ижтимоий кўмак бериш – буларнинг барчаси юксак одамгарчилик, инсон манфаатларига қаратилган катта ғамхўрликдир.

**Нодирбек ТОҲИРОВ ёзиб олди.**

## МУКОФОТ МУБОРАК!

*2017 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги алоҳида хизматлари, давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир қатор юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотланганлар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:*

**"Жасорат" медали билан**

**Аманов Равшан Анварович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Ҳалимов Шерали Абдугафарович** – Тошкент вилояти Янгийўл тумани ички ишлар бўлими эксперт-криминалистика бўлинмаси бошлиғи

**"Шуҳрат" медали билан**

**Раҳимджанов Дилшод Абдуллаевич** – Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимизни барпо этиш, унинг жанговар қудратини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилган ҳарбийларимизга, шу эзгу ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизга чуқур миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай ўта масъулиятли вазият ва ҳаётнинг ўзи эришган барча ютуқларимизни, шу билан бирга, йўл қўйган камчиликларимизни чуқур ва танқидий таҳлил қилишни барчамиздан талаб этмоқда. Шу асосда миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттиришимиз даркор.

**Биринчидан, миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш** бизнинг устувор вазифаларимиз қаторига киради. Афсуски, бу соҳадаги кўплаб ҳужжатларимиз ҳозирги давр талабларига жавоб бермаяпти.

Биз миллий хавфсизликни таъминлашда стратегик режалаштириш бўйича аниқ давлат тизимини барпо этишга объектив зарурат сифатида эҳтиёж сезмоқдамиз.

Ушбу тизимда доимо янгиланиб борадиган Миллий хавфсизлик концепцияси марказий ўринни эгаллаши шарт. Мазкур концепцияда Ўзбекистон ташқи сиёсатига хос мослашувчанлик ва очиқлик тамойиллари, бизнинг яқин қўшниларимиз билан конструктив муносабатларни ривожлантириш устувор вазифа экани акс эттирилиши даркор. Айни вақтда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитети, халқимизни маданий-тарихий ўзига хослигини асраш бўйича қатъий кўрсатмалар белгилаб берилиши керак.

Шу муносабат билан муҳим бир ёндашувни яна бир бор таъкидлашни ўринли, деб биламан: **ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмаслик сиёсатига содиқ қолиш бундан буён ҳам мамлакатимизнинг принципиал позицияси бўлиб қолади.**

Жаҳонда ва минтақада вазиятнинг ривожланиш динамикасини ҳисобга оладиган бўлсак, вужудга келадиган хавф-хатар ва таҳдидларга муносиб зарба бериш зарурати, шунингдек, бизнинг устувор вазифа ва имкониятларимиз **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасини қайта ишлаб чиқишни талаб этади.**

Фақат ана шундай тизимли ёндашув биз учун миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона, мувофиқлаштирилган ва изчил стратегияни ишлаб чиқиш, мавжуд ресурс ва маблағларни устувор мақсадларга йўналтириш, уларни беҳуда сарфламаслик, иккинчи даражали вазифаларга чалғиб кетмаслик имконини беради.

**Иккинчидан, Қуролли Кучлар қурилишининг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш лозим.** Ҳарбий қурилиш соҳасида тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳар қайси ҳарбий округнинг таркибий тузилиши ва вазифаларини аниқлаш даркор. Бу борада улардан айнан қайси вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиш кераклиги, қўшинларнинг қўлланиш ва, шунингдек, операцияларни ўтказиш йўналишлари бўйича ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга, бизнинг "ҳаво қалқонимиз" – Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўшинларини оптималлаштириш вазифаси ҳам катта эътибор ва ресурсларни сафарбар этишни талаб қилади.

Қисқа муддатда уларнинг ташкилий тузилиши ва бошқарув тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш лозим.

**Учинчидан, қўшинларни тайёрлаш борасидаги тадбирларни режалаштиришга оид янгича ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.** Бу тадбирлар, аввал амбор, ҳарбий бўлинмаларга юкланган вазифаларга, уларнинг тайёргарлик ва таъминланиш даражасига мос бўлиши зарур.

Биз учун бу борадаги якуний мезон – амалий натижа, яъни, бутун эътиборни Қуролли Кучларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини реал оширишга, уларнинг юқори даражадаги уюшқоқлиги ва самарали ҳамкорлигига қаратишдан иборат.

**Тўртинчидан, барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш** бизнинг эътиборимиз марказида бўлиб қолиши зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини ташкил этиш бу йўналишдаги биринчи қадам бўлиши даркор. Ушбу ўқув маскани Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг шонли ҳарбий анъаналарини ва ҳозирги мавжуд академия ҳамда мамлакатимиздаги етакчи илмий-таълим муассасаларида тўпланган фаолият тажрибасини ўзига қамраб олиши керак.

Ишончим комил, бу академия ҳарбий таълимнинг ягона тизимида ҳақиқатан ҳам асосий ўринни эгаллайди, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айланади. Академияда лейтенантлар тайёрлаш, фаолият кўрсатаётган офицерлар малакасини ошириш ва, шунингдек, армиямиз бошқарув таркибидаги қўмондонлик кадрларини махсус тайёргарликдан ўтказиш давом эттирилади.

Бу вазифани амалга оширишда биз таълим жараёнига энг янги усул ва технологияларни жорий этишимиз, ўқув аудиторияларини замонавий тренажёрлар, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлашимиз лозим.

Академия тингловчиларининг умумий маданиятини ошириш, уларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча қулай шароитларни яратишимиз даркор.

Бу жараёнда ҳарбий билим юртида ҳақиқатан ҳам таълим олишга муносиб, юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш учун уларни ўқишга танлаб олишда талабни ошириш лозим. Шу мақсадда мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида иккиучтадан коллеж ва лицейни белгилаб қўйиш керак. Ана шу коллеж ва лицейлар ўзларининг асосий вазифалари билан бирга, олий ҳарбий ўқув юртларига кирадиган ёшларни чуқур тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

Бундан ташқари, барча олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибини тайёрлаш, жумладан, уларнинг хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириш имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Бешинчидан, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш** – бугунги ва истиқболдаги энг муҳим вазифамиздир.

Афсуски, бу масала биз кутган даражада жадал суръатлар билан амалга оширилмаяпти.

Шу муносабат билан биринчи галдаги вазифа сифатида 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқишимиз керак. Унда ҳарбий аҳамиятга эга маҳсулотлар сотиб олиш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш ва модернизация қилиш, бу борадаги ишларни мақсадли молиялаштириш бўйича аниқ тадбирлар кўзда тутилиши даркор.

Мамлакатимизда **ҳарбий саноат мажмуасини барпо этиш** вақти келди, деб ҳисоблайман. Шу нуқтаи назардан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов бошчилигида мудофаа саноати соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш учун масъул бўлган тегишли давлат органини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш керак. Унинг таркибига Мудофаа вазирлигининг таъмирлаш бўйича барча корхоналарини, шунингдек, Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи ҳамда ўқ-дори тайёрлайдиган "Восток" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ўтказиш зарур.

Келгусида ана шу корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, илмий-ишлаб чиқариш базасини яратиш, сервис марказлари ва қўшма корхоналар ташкил этишга, шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи корхоналарида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

**Олтинчидан, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш диққатимиз марказида бўлиши даркор.** Бу соҳада қабул қилинган давлат дастурини амалга ошириш бўйича янги механизмларни ишлаб чиқиш объектив заруратга айланганини бугун яққол ҳис этмоқдамиз.

Шу мақсадда хизматни ўташ тартиби, фронт орти таъминоти, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган, кўлдан буён ҳаёт талабига айланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тезлаштириш муҳим аҳамиятга эга. "Ҳарбий хизматни, ички ишлар ва божхона идораларида хизматни ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман.

Маълумки, мамлакатимизда жорий этилган, якка тартибда уй-жойлар қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича янги тизим бугунги кунда ижобий натижа бермоқда.

Ана шу тизимни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам кенг жорий этиш зарур.

Шу йилнинг ўзида мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун уларга имтиёзли ипотека кредитлари бериш йўли билан уч қаватли 56 та уй-жой биносини барпо этамиз.

**Еттинчидан, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир.**

Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт.

Ана шу мураккаб ишда армия сафларида мардлик ва матонат, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтаган навқирон ўғлонларимиз ишончли таянч ва суянч бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар бундай ёшлар билан доимо алоқада бўлиши керак. Мазкур бошқарма ва бўлимларнинг бу йўналишдаги ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу борада Бош вазир А. Н. Арипов бошчилигида муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича республика комиссиясини, жойларда эса бевосита ҳокимлар раҳбарлигида вилоят, шаҳар ва туман комиссияларини ташкил этиш яна бир амалий қадам бўлур эди.

Сизларга яхши маълумки, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича кўпгина ютуқларга эришмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда, вилоят ҳокимликлари таркибида ушбу кенгашнинг минтақавий бўлинмаларини тузиш орқали унинг имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу бўлинмаларнинг ишини ҳарбий округлар қўмондонлиги билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Қадрли дўстлар!

Ҳозиргина баён қилинган барча вазифаларни қатъий ва изчил амалга ошириш биздан миллий армиямизни янада ислоҳ этиш, унинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ошириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш борасида бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилади. Айнан шунинг учун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳалари каби ушбу йўналишдаги долзарб вазифалар ҳам ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган **Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш Ҳаракат стратегиясида** аниқ белгилаб берилмоқда.

Ана шу ўта муҳим ҳужжатга биноан мудофаа соҳасидаги қонунчилик базаси, қўшин гуруҳларининг жанговар таркиби, ташкилий тузилмаси, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг сафини тўлдириш самарадорлигини ошириш чоралари кўрилади. Шунингдек, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуроллантириш ҳамда уларни ҳар томонлама таъминлаш масалаларини яхшилашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар қабул қилинади ва амалга оширилади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Мана шу қутлуғ айёмда ҳарбий соҳада ўзининг масъулиятли ва шарафли бурчини муносиб адо этаётган мард ўғлонларимиз – аскар ва офицерлар, барча Ватан посбонлари, уларнинг ота-оналарига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдираман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги улуғ байрам – Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 25 йиллик санаси билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга бахту саодат, Ватанни ҳимоя қилишдек олижаноб фаолиятингизда куч-ғайрат ва ютуқлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

Бошланиши 1-бетда.

## Вилоят бўйлаб

### Чиноз тумани

#### *Бунёдкорлик туҳфалари*

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.**

Айниқса, байрамлар арафасида қатор маданий-маиший ҳамда хизмат кўрсатиш иншоотларининг фойдаланишга топширилиши анъанага айланган.

Чинозлик хусусий тадбиркор Акбар Худойберганов саъй-ҳаракати билан Янги Чиноз ҳудудида замонавий ва миллий меъморчилик андозалари асосида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси бунёд этилди. Яқинда фойдаланишга топширилган ушбу кўп тармоқли мажмуада "Миллий таомлар" ошхонаси, гўзаллик салонлари, озиқ-овқат дўкони жой олган бўлиб, бу ерда аҳолига намунали савдо ва маиший хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

**Ю. МУҲИДДИНОВА.**

### Қибрай тумани

#### *«Думбул жўхори»га тобингиз қалай?*

**Пишиқчилик паллаларида одамлар орасида "думбул жўхори" номи билан тарқалган парҳезбоб таомни кўпчилик севиб тановул қилади. Уддабурон тадбиркорлар бундай неъматни қиш ва эрта баҳорнинг "илигузилди" кунларида ҳам асл ҳолича аҳоли дастурхонларига тортиқ этишмоқда.**

Гап шундаки, Қибрай тумани, Тузель қишлоғидаги "Fresh food pack" масъулияти чекланган жамиятида юқори замонавий технология асосида жўхори сўталарини табиий ва шифобахш ҳолида қадоқлаш ўзлаштирилди. Вакуумли қадоқ маҳсулотни узоқ муддатгача сақлаш имконини беради. Энг муҳими, жўхори таркибидаги оқсил, ёғ, углевод ва инсон организми учун керакли бўлган бошқа маъданлар йўқолмайди.

Бундай маҳсулот ички бозорда янгилик бўлгани учун ҳам тезда харидорлар эътиборига тушди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

### Олмалиқ шаҳри

#### *Йилига 17 минг тонна*

**Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис қуйиш заводининг металлургия цехида ўрнатилган замонавий печь ёрдамида йилига ана шунча миқдорда мисни эритиш мумкин. ОКМК матбуот хизматидан маълум қилинишича, айни пайтда цехда янги қувватни ишга тушириш чоралари кўрилаяпти.**

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, иншоотни қуриш 2015 йилда бошланган эди.

Қиймати 92 млн. АҚШ долларилик шартнома Германиянинг Dobersek Engineering компанияси билан имзоланган бўлиб, лойиҳани молиялашда комбинатнинг ўз маблағидан ташқари, молия муассасалари сармоясидан ҳам фойдаланилди.

**Шерзод ШУҲРАТОВ.**

### Бўка тумани

#### *Эътибор, эъзоз, эҳтиром*

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармасининг Бўка тумани ҳудудий бўлимлари, жойлардаги МФЙ фаоллари ташаббуси билан ўттизга яқин ногирон ва кам таъминланган оилаларга, 40 нафар кексалар ва меҳнат фахрийларига янги йил совғалари ҳадя қилинди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ватан – киндик қонимиз тўкилган, болалигимизнинг беғубор онлари, ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқаси ўтаётган, бизни бағрида ардоқлаган, улғайтирган замин! Уни чин дилдан севиш, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, осуда кунларини бардавом қилиш эса энг муқаддас бурч, олий саодатдир. Она юртимизнинг ҳар қарич тупроғини муқаддас билиб, ҳаётини Ватан ҳимоясига бағишлаган юртнинг асл ўғлонлари туфайли бугун осмонимиз мусаффо, кўнгиллар хотиржам. Келажагимиз бунданда порлоқ бўлишига ишончимиз комил. Шу боисдан ҳам 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳар йили бутун юртимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам ўзгача шукуҳ билан, тантанали равишда нишонланади.

... Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройи кўтаринки руҳдаги офицер, сержант ва сафдорлар, курсантлар билан тўла. Барчанинг дилида ҳаяжон, юзларида мамнунлик акс этиб турибди. Айниқса, Давлат мадҳияси янграганда кўнгилларда юртга бўлган муҳаббат ва садоқат, бурчга содиқлик, фахр-ифтихор ҳислари янада жўш урди. Юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилмоқ, билдирилган ишончни оқламоқ нақадар шарафли ва масъулиятли вазифа эканлигини яна бир бор юракдан ҳис этамиз.

Бошланиши 1-бетда.

"Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз – фахру ғуруримиз!" шиори остида ўтган тадбирда Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегара қўшинлари, божхона хизмати, вилоят прокуратураси, ички ишлар, адлия бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, офицер, сержант ва аскарлар ҳамда уларнинг оила аъзолари, фахрий ҳарбийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Байрам тадбирини вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ботир Тўраев очди.

Таъкидланганидек, бугун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг нафақат Конституцион бурчи, балки, унинг орзусига, муқаддас ва шарафли вазифасига айланди. Истиқлол йилларида миллий армиямиз юксак даражада ислоҳ қилинди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳарбийлар ҳаёти тубдан ўзгарди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида жанговар, тактик жиҳатдан ғоят маҳоратли, тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Қуролли Кучлар тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг тубдан ислоҳ қилиниши туфайли бугун ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигит учун нафақат бурч, балки шон-шараф ишига айланди.

Ушбу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳарбийларимизни ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада яхшилаш, турмуш шароитини юксалтириш, уй-жой билан таъминлаш йўлида кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, байрам арафасида вилоят ҳарбий қисмларида хизмат қилаётганлар янги уй-жой билан таъминланди.

– Ўтган йил оиламиз учун хайрли келди, – дейди сержант Илҳом Мелиқулов қувонч билан. – 2016 йил январь ойида қизимиз Одинахон туғилди. Йил охирида эса уй-жойли бўлдик. Мана шундай юксак эътибор учун давлатимиздан, Мудофаа вазирлигидан миннатдормиз.

Маълумотларга кўра, вилоятимизда сўнгги беш йил ичида намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар жойларнинг 570 дан ортиғи, яна ҳар йили 70 дан зиёд хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилиб, ҳарбийларимизга узоқ йиллик имтиёзли кредит асосида топширилаётир.

Тантанали тадбирда хизмат вазифасини сидқидилдан бажараётган бир гуруҳ ҳарбийларга Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишонлари ҳамда вилоят ҳокимлиги ва ҳарбий округ қўмондонлигининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари ва навбатдаги ҳарбий унвонлар топширилди.

– Ватанимиз Яратган назари тушган юрт, – дейди "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишони соҳиби, катта лейтенант Расул Абдуллаев. – Бугунги кунда мамлакатимиз Қуролли Кучлари кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда. Ватан ҳимояси бизга ишониб топширилгани чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Биз, ҳарбийлар ана шу ишончга лойиқ бўлишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун эса доимо огоҳ ва сергак бўлишимиз лозим. Камтарона хизматларимни юқори баҳолаб, мукофотга лойиқ кўришгани учун ҳукуматимизга миннатдорчилик билдираман. Бугун орзуларим ушалган, бахтли инсонман! Ота-онам ва яқинларимнинг муҳаббати мени доим олға интилишга, янада жасур бўлишга ундайди.

Тадбирда ҳарбий оркестр ва санъат усталарининг Ватан, ҳурлик, жасорат ва муҳаббатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Фарҳод ТОЛИПОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# Бугун – Ватан ҳимоячилари куни

*Ҳар қандай суверен давлатнинг мустақиллигини тасдиқловчи ҳудуди, байроғи, герби, мадҳияси, миллий пул бирлиги каби рамзлари бўлади. Лекин, ана шу давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминловчи миллий армияси шаклланмаса, мамлакат озодлиги қумдан қурилган бинодек омонат бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Бош Қомусимизнинг 126-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга эканлиги алоҳида қайд этилган.*

## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ФАХРУ ҒУРУРИМИЗ

Мазкур модданинг амалий ифодаси ўлароқ, миллий армиямиз йилдан йилга профессионаллашиб, салоҳияти тобора ортиб бормоқда.



Дарҳақиқат, истиқлол йилларида армия билан халқ бир тану бир жон бўлиб юксалди. Фикримиз тасдиғини шу кунларда вилоятимиздаги ҳарбий қисмлар, таълим масканлари, маҳаллалар, турли ташкилот ва муассасаларда бўлиб ўтаётган тадбирлар, учрашувлар, самимий суҳбатларда ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 20 декабрдаги Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги фармойиши доирасида "Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз – фахру ғururимиз!" ғояси остида ташкил этилган учрашувларда таниқли кино ва театр актёрлари, санъаткорлар, шоирлар, олимлар иштирок этишди.

Пискент туманидаги ҳарбий қисмларнинг бирида бўлган учрашув, айниқса, самимияти билан қатнашчилар кўнглида унутилмас таассуротлар қолдирди. Тадбирда мард ўғлонларни байрам билан қутлаган Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова эр йигитга ярашадиган энг кўркам кийим – ҳарбий либос эканига алоҳида урғу берди. "Кўча-кўйдан бирорта ҳарбий йигит ўтиб қолса, ён-атрофдагилар, айниқса, қизлар, албатта, бир қараб қўяди. Ана шу қарашда халқимизнинг сизга меҳри, ихлоси мужассам", деди у.

Учрашувда иштирок этган шоир Азизбек Анвар Ўзбекистон ҳарбийлари нафақат ўз Ватанимиз осойишталиги, балки Марказий Осиё тинчлигининг, узоқ-яқиндаги қўшни давлатлар хотиржамлигининг ҳам кафолати эканлигини таъкидлади. Буни бошқа давлатлар мутахассислари ҳам эътироф этаётганини айтиб, жумладан, хитойлик журналист Ли Чжун Цин фикрини айнан келтирди: "Ўзбекистондаги тинчлик Хитой учун ҳам ғоят муҳим. Афғонистондаги бузғунчи кучлар ва уларнинг вайронкор ғоялари Хитойнинг Марказий Осиёга туташ ҳудудларига дахл қилмаслиги ва умуман, терроризм, диний экстремизм каби балоларга қатъий қарши тураётгани сабабли Ўзбекистондан миннатдормиз!"

Байрам учрашувлари тоғлараро ястанган сўлим Бўстонлиқ туманидаги ҳарбий қисмларда ҳам ўзгача шукуҳда ўтди. Асосан чегара қўшинлари аскарлари хизмат қиладиган ҳарбий қисмлардаги суҳбатлар чоғида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидовнинг фикр-мулоҳазалари, ҳазил-мутойибалари кўнгилларга завқ улашди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси Мустафонинг қўшиқлари оловқалб йигитларни даврага чорлади. Тадбир давомида турли саҳнавий чиқишлар билан аскарлар ҳам ўзларининг актёрлик қобилиятларини намойиш этишди. Оддий аскар Фарҳод Абдуқодировнинг шеърий машқи кўпларга манзур бўлди:

*Мусаффо осмонинг,*
*гуллаган боғинг,*
*Самоларни қучган*
*виқорли тоғинг,*
*Қиқирлаб қўшиқлар*
*айтган булоғинг*
*Ватан, бизникидир,*
*бари бизники!*

Айни шу сатрларда миллий армиямиз моҳиятини англатувчи туйғуларни ҳис қилдик. Бугунги ўғлонлар бори неъматлари ўзиники бўлган озод Ватанни сидқидилдан ҳимоя этадилар. Бир пайтлардагидек олис, совуқ, бегона ўлкаларда ким учун, нима учун хизмат қилаётганликларини билмай умр совурмайдилар...

**Шоира БОЗОРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## МУҚАДДАС БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

*Мўъжазгина юрагига Ватанга муҳаббат туйғусини жо этган она юрт ҳимоячилари, фидойиларига ҳар қанча таърифу таҳсин айтсак ҳам оз. Зеро, улар эл тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминловчи халоскорлардир. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳарбийларимиз эл ишончи, Ватан ардоғида эканининг намунасидир.*



Бекобод шаҳридаги "Ёшлар маркази" маданият саройида вилоят ҳокимлиги, Маънавият-тарғибот маркази, МХХ чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ҳамкорлигида ўтказилган байрам тадбири йиғилганларда эл-юртга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини янада юксалтирди. Адабиёт, санъат намояндалари, таниқли кино ва театр актёрлари, хушовоз хонандаларнинг иштироки ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига, айниқса, оналарга кўтаринки кайфият бағишлади.

– Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан уюштириладиган тадбирларга тез-тез таклиф этишади, – дейди кичик сержант Илҳом Иброҳимовнинг онаси Буҳожар Самадова. – Юрт қорига ярайдиган ўғил ўстирган бахтли оналардан бири эканимдан кўксим фахр, ифтихорга тўлади. Ватан ҳимояси учун жонини фидо қилган ўғлим Иномжон Иброҳимовнинг ёрқин хотирасига кўрсатилаётган ҳурмат кўксимдаги армонларга малҳам бўлгудек. Шукрким, Илҳомжоним соғ-омон, чегара қўшинларида хизматда. Унинг Ватанга меҳр-муҳаббати, садоқати туфайли эл-юрт олдида юзим ёруғ, кўнглим хотиржам. Ватанимизнинг юксак мукофоти – "Шуҳрат" медали кўксини безаб турибди. Илоҳим мустақил Ўзбекистонимиз сарҳадлари дахлсиз, осмони мусаффо бўлсин.

Онанинг самимий сўзлари кўнгилга рағбат бериб, мард, жасур чегарачи ҳарбийларга юзландик.

– Ҳарбий хизмат ҳаётим мазмунига айланган, – дейди сержант Махсуд Эрматов. – Юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида умр бўйи хизмат қилишга аҳд қилганман. Келгусида фарзандларим ҳам Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муяссар бўлса, бу мен учун улкан бахтдир.

Кўксида "Жасорат" медали ярқираб турган сержант Мансур Бекмирзаев эса ўн йилдан буён ҳарбий хизматда, чегарачиларнинг саломатлигига жавобгар эканидан фахрланади:

– Ҳарбий қисмимиздаги мард, жасур йигитларга боқиб, озод Ватан, ҳур диёримиздаги тинч, фаровон, осуда ҳаёт бардавомлигига амин бўламан, – дейди Олимжон Болтабоев. – Аскарлар, сержанту офицерларнинг бурчига садоқати, келажакка ишончи кучли. Улар қаҳратон қишда, ёзнинг чилласида хоҳ постда, хоҳ дам олиш соатларида бўлсин, доим сергак. Мамлакатимиз мудофаа салоҳияти мустаҳкамлигига жавобгар ўғлонлар омон бўлса, Ватанимиз эртаси бунданда порлоқ бўлади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ПОСБОНЛИК БАХТИ

*Қуйи Чирчиқ тумани Мудофаа ишлари бўлимида шарафли ва масъулиятли касб эгалари билан учрашув бўлиб ўтди.*

Республикамиз раҳбариятининг доимий эътибори ва саъй-ҳаракати туфайли бугун халқимиз юксак ишонч билдириб, фахрлана оладиган миллий армиямизга эга бўлдик. Ватанни севиш ва уни ҳимоя қилиш ёшларимизнинг онгу-шуурига сингиб бораётган энг олий туйғу ва муқаддас бурчга айланди.

Дарҳақиқат, она Ватанни ҳимоя қилиш, ишончни оқлаш, халқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир йигит учун катта шарафдир.

– Мен 1996 йилдан буён мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қиламан. Республикамизда фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида, чақирилувчининг билими ва интеллектуал салоҳияти, жисмоний тайёргарлик даражаси, соғлигига қараб, саралаб олинмоқда, – дейди Мудофаа ишлари бўлими Чақирув бўлинмаси бошлиғи, майор Акмал Икромов. – Бу эса, йигитларимиздан муддатли ҳарбий хизматга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришни, юқори билим, кенг дунёқарашга эга, жисмоний жиҳатдан етук бўлишни талаб этади. Қувонарлиси, бугунги кун ёшларида фаоллик, ташаббускорлик кучли. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Юртимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига берилаётган эътибор ортиб бормоқда. Ана шунинг намунаси сифатида мен бу йил барча қулайликларга эга намунавий уй-жой билан таъминландим. Бундай ҳурмат ва ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди.

Мамлакат осойишталиги, эл-юрт тинчлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилувчи, керак бўлса жонини қалқон этувчи мард ва довюрак Ватан ҳимоячилари бор экан, доимо кўнглимиз хотиржам, осмонимиз тинч, сарҳадларимиз хавфсиз, фарзандларимизнинг иқболи баланд бўлади.

**Умида ҲИДОЯТХЎЖАЕВА.**

*Пискент тумани ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида ҳам сана муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.*

## ХИЗМАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Туман ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт, мудофаа ишлари бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга яратилаётган шароит ва имкониятлар соҳа ривожи йўлида юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида таниқли театр ва кино актёрлари томонидан тақдим этилган саҳна асарлари, бадиий жамоа ва санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Якунда бир гуруҳ офицер ва аскарларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

## АСКАР ОНАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

*Бўстонлиқ туманидаги 12-умумтаълим мактабида "Аскар оналарини шарафлаймиз" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

Унда сўзга чиққан туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Миржавҳарова, тегишли батальон командири З. Юлдашев, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти катта ўқитувчиси Т. Норматов, аскар оналари Р. Ашурова, Х. Эгамбердиевалар Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Қайд этилганидек, замон талабларига мос хизмат ва яшаш шароитлари яратилиши ёшларимизнинг ҳарбий хизматни ўташ, Ватанни ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли касбни эгаллашга бўлган ҳавас ва иштиёқини оширмоқда.

Тадбир бадиий-кўнгилочар дастур билан якунланди.

**Ўз мухбиримиз.**





## «ФАРЗАНДИМ – ФАХРИМ»

*Тошкент Давлат аграр университетида "Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси" мавзуида видеомулоқот ўтказилди. Мудофаа вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Тошкент ва Бухоро вилоятларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, уларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этди.*

Болалигидан ҳарбий либос кийишни ният қилган бухоролик Фаррух Раҳматов сафдошлари қатори экран орқали ота-онасига орзулари амалга ошганидан мамнунлигини айтаркан, кўзларида қувонч ёшлари қалқиди. Қаҳрамонимизнинг мақсади келажакда шартнома асосида яна ҳарбий хизматни давом эттириш. Ота-онаси билан хайрлашув чоғида: "Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!" деган баралла хитоби тадбир иштирокчиларини тўлқинлантириб юборди.

Паркентлик Фарида Солиҳованинг фарзанди Жамолиддин Турсунбоев Бухоро вилоятида хизмат бурчини ўтамоқда.

– Ҳарбий кийим ярашиб турган ўғлимнинг намунали хизмат қилаётганини эшитиб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди, – дейди Ф. Солиҳова. – Она учун фарзанд ҳамиша ёш боладек кўринади. Аммо, армия уни ҳамма ҳавас қиладиган барваста йигитга айлантирибди. Ўғлимнинг улғайиб, юрт қорига ярайдиган бўлганини кўриб, жуда қувондим.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру ғururимиз!" шиори остида ўтказилган мазкур телекўприк меҳмонларда илиқ таассурот уйғотди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга байрам кайфиятини бағишлади.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



## ЙИГИТ ОМОН – ҚЎРҒОН БУТ

*Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлардан бири "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.*

"Ватан ҳимояси – муқаддас бурч" мавзуидаги тадбирга вилоятимиздаги сафарбарлик чақирув резерви батальони шахсий таркиби ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскар, зобитлар таклиф этилди. Унда истиқлол йилларида миллий армиямизнинг юксалиб бораётган куч-қудрати, ҳарбий қисмлар ва ўқув юртларида яратилган замонавий шарт-шароит, имкониятлар ҳақида сўз борди.

Тадбир якунида Ватан ҳимоячилари учун китоб байрами ташкил этилди.

**С. ЭШМАТОВА.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

## ОРИЯТ САБОҚЛАРИ

*Ўғил болага туғилиши биланоқ катта масъулият юкланади. Адашдим, чоғи. Орзуманд ота-она бўлажак паҳлавон учун ҳали у туғилмасдан улкан вазифалар "тайёрлаб" туради. Бир ёқда отанинг эркакларга хос ғурур-ҳаваси, бу ёқда оналик бахтидан масрур аёлнинг оппоқ орзу-умидлари... Уларни рўёбга чиқариш ҳали йиғлашдан бошқани билмайдиган шу жимитдек чақалоқ зиммасида! Аммо, унга ишонишади. Чунки, у ўғил бола!*

Жажжи болакай Яратганнинг алла воситасидаги қудратидан куч олиб улғаяди. Волидаси юрак дардлари, эзгу ниятларини аллага улаб куйлайди, жўшиб кетса, эртагу достонлардан қўшиб айтади. Қайси онанинг Алпомиш кўргиси, қайси боланинг Алпомиш бўлгиси келмайди, ахир!



"Наслимнинг давомчиси, той бола", суяди отаси. "Ҳимоячим қўш бўлди, устунларим кўпайди", ўргилади онаси. Шундай катта бўлади, ўғил бола!

Бир қаричлигидаёқ оиласига масъул сезади ўзини. Ҳимоячидай ҳис қилади. Аҳён-аҳёнда шунчаки ёқтиришини сезсин учун таниш қизчанинг сочини тортиб-тортиб қўйгани билан опа-синглисига қўшиб уни ҳам гулдан кўпроқ авайлаб-асрайди. Кимдир у билан муносабатда ҳаддидан ошса, "эркакчасига" гаплашиб қўйгиси келади. Кучи етадими-йўқми, барибир. Калтак еса ҳам, майли. Ҳимоя қила олса бўлди. Бадани ачишиб оғриса, чидайди. Аммо, қиз зотининг: "Бор-э, қўрқдингми" дегандай қарашини кўтармайди, кўтара олмайди. Чунки, у ўғил бола!

Мактабда ҳам орият, ғурур сабоғи давом этади. Бирор ўртоғи паст баҳо олса ёки ўқитувчидан танбеҳ эшитса, негадир у уялади. Беихтиёр юзи қизариб кетади. Ўзича билинар-билинмас ғўлдирайди: "Ўғил бола яхши ўқиши керак. Чунки, у ўғил бола!"

Йиллар ўтиб, олий ўқув юртига ўқишга киради. Ватан ҳимояси учун жисмоний-маънавий қувват йиғади.

Тунлари олисда дийдор соғинчи тинч қўймай беихтиёр кўзлари намланганини ҳеч кимга айтмайди. Билдирмайдиям. Укасига онаси, опа-синглиси, яна, бўлажак янгасидан кўз-қулоқ бўлиб туришини алоҳида тайинлайди.

Ҳозир у ўсиб-улғайган, кап-катта йигит. Зиммасидаги шарафли бурч ва масъулият янада ошган. Унга ишонганлар қанча. Ана энди бутун оиласи, юрти – Ватани ҳимоясига отланаётган, аҳди қатъий ўғлоннинг шижоатини тасаввур қилаверинг...

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН.**

## Дил изҳори

*Саидраҳмон болалигидан шўхчан, ўйинқароқ эди. Аммо, айтилган ишни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиларди. Акаларидан тез-тез танбеҳ ҳам эшитиб турар, мен бўлсам уни эркалатиб юборганимдан койинардим. Кейинчалик Саидраҳмон бутунлай ўзгарди. Соатлаб китоб варақлайдиган одат чиқарди. "Мен армияга бораман, чегарачи бўламан", дерди нуқул. Нияти холис экан, йигитлик бурчини мамлакатимизнинг чегара ҳудудида ўтади.*

# ОРЗУЛАРИ ОСМОН ЎҒЛИМ

Ҳар қандай она фарзандини бир кун кўрмаса соғиниб қолиши шубҳасиз. "Бир йил кўришмас эканмизда", деб кўзимга ёш олгандим. Ўйлаб қарасам, мустақилликдан аввал ўғилларини узоқ-узоқларга армияга жўнатган оналарга осон бўлган дейсизми? Ахир, менинг ўғлим ўз Ватани сарҳадларини қўриқлаяптику! Бу ишонч ўғлим армиядан қайтгунича менга куч бағишлади. Ҳатто, келадиган вақтини сезмай ҳам қолибман.

Саидраҳмонни кутиб олишга чиққанимда, ишонасизми, уни танимай қолдим. "Шу менинг ўғлимми?", дейман, кўзёшларимни тўхтатолмай. Ҳам жисмонан, ҳам маънан улғайган, соғлом, бакуват, қадамлари шахдам, кўзларида меҳр, ишонч, қатъият. "Мана, мустақиллик шарофати, – дейман ўзимга ўзим. – Ўғлимнинг қўлида ҳарбий хизматни намунали ўтагани учун "Ташаккурнома", олий ўқув юртига кириш учун имтиёз..."

Ҳозир ўғлим Навоий конметаллургия институтининг Олмалиқ филиали, "Машинасозлик" факультетида ўқияпти. Лекин, "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч" дея тез-тез такрорлайди. "Керак бўлса, яна ҳарбий хизматга бораман. Ватанимни ҳимоя қиламан", дейди ўғлим. Ахир, она учун бундан ортиқ бахт борми?!

**Умриниссо САИДҚУЛОВА,**
**Олмалиқ шаҳри.**

# ЭНГ ОЛИЙ ШАРАФ

*Тинчлик – бебаҳо неъмат. Уни сақламоқ, авайламоқ, керак бўлса, бу йўлда жон фидо қилмоқ шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Осуда ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, азиз болажонларимизнинг қувноқ кулгиси, ота-оналаримизнинг фаровон умр кечириши юртимиздаги барқарорлик, тинчлик туфайлидир.*

## Агар огоҳ сен...

Тинчликни таъминлашда, шубҳасиз, Ватан ҳимоячиларининг ўрни беқиёс. Юрагидан Ватан, халқ меҳр-муҳаббати мустаҳкам жой олган, шижоатли, огоҳ ўғлонлар юрт сарҳадларини сергаклик билан қўриқламоқдалар. Ҳарбийларнинг бу бедор хизматлари нақадар савобли иш экани динимизда ҳам алоҳида таъкидланган.

Юрт ҳимояси энг олий ва шарафли касб эканини англаган йигитларимиз ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан шу улуғ номга лойиқ бўлишга, ҳарбий маҳоратни пухта эгаллашга ҳаракат қиладилар. Зеро, Ватан ҳимояси ҳаёт-мамот масаласи эканини, эл-юрт тақдири шу нуқтада туташишини англаб етганлар. Улар Ватанни қўриқлаш асносида ота-она, ака-ука, опа-сингилларини ҳимоя қиладилар. Ўзлари туғилган шаҳар, қишлоқ, қавму қариндошларни қўриқлайдилар.

Ватанни ҳимоя қилиш нафақат ҳарбийлар, балки шу заминда яшаётган фуқаролар: ўқитувчи, шифокор, тадбиркор ёхуд хизматчими, ким бўлмасин, барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳимоя деганда, фақат қурол билан эмас, керак бўлса сўз билан, Ватанга тош отувчи иғвогарларнинг кирдикорларини аёвсиз фош этиш билан ўз юртини, миллатини, халқини ҳимоя қилиш ҳам тушунилади. Киндик қони тўкилган заминни, шу мустақил юртни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш гўё ўз оиласини, шаънини, номусини, имон-эътиқодини ҳимоя қилиш кабидир.

Она Ватан ҳимояси ҳақида сўз борар экан, буюк саркардалар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби улуғ юртпарварлар, Ватан озодлиги йўлида қўлида тиғ ила жон берган Шайх Нажмиддин Кубро, Ватан ҳажри ва доғида ёниб ўтган Бобур Мирзолар ибрати беихтиёр кўз олдимизга келади. Биз ўз фарзандларимизга уларнинг она Ватан ҳимояси ва манфаати йўлида кўрсатган буюк жасоратлари ва садоқатларини англатмоғимиз лозим. Шундагина уларнинг дилидан Ватанга муҳаббат туйғулари, юртни ташқи кучлар хуружидан ҳамиша ҳимоя қилиш ҳисси мустаҳкам ўрин олади.

Мустақиллик эл-юртимизга берган улкан имкониятлар ҳақида қанча гапирсак, оз. Зеро, истиқлол туфайли ҳаётимизда ёркин саҳифа очилди. Эмин-эркин тоат-ибодат қилиш имкониятига эга бўлдик. Диний-маънавий қадриятларимиз халқимизга қайтарилди. Имон-эътиқодимиз ва эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланди. Шаҳару қишлоқларимиз кўркам ва обод бўлди. Ҳаётимизга беқиёс маъно ва мазмун олиб кирган бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, шукр қилиш, уни асраб-авайлаш барчамизнинг кундалик аъмолимизга айланмоғи лозим.

**Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Янгийўл тумани "Жоме" масжиди имом-хатиби.**

Реклама ва эълонлар

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 1 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан хатланган, Оҳангарон тумани "Оҳангаронраҳмонтранссервис" майдончасида сақланаётган: 1. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 03.01.2013 йилдаги ҳукми ва 11-230-2-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11G0591 бўлган, "М412ИЭ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 2 213 286,12 сўм. 2. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 21.04.2016 йилдаги ҳукми ва 1-129-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10O978CA бўлган, "Москвич-2140" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 1 367 769,80 сўм. 3. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 12.03.2014 йилдаги ҳукми ва 1-46-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 20Z219BA бўлган, "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 6 696 844,50 сўм. 4. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 21.01.2015 йилдаги 1-27 сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01O056QA бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ21063" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 5 394 371,63 сўм. 5. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 06.05.2015 йилдаги 1-196-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 561 TTD бўлган, "ГБА СПГ ЗАЗ Forza" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 34 487 663,72 сўм. 6. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 04.05.2015 йилдаги 1-157-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 646 FA бўлган, "ВАЗ 21011" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 1 489 522,74 сўм. 7. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 25.11.2014 йилдаги 1-387-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10M783JA бўлган, "ВАЗ2106" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 4 646 255,22 сўм.

2017 йил 24 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан, Зангиота тумани ЙҲХБ жарима майдонида сақланаётган: 1. ЖИБ Зангиота тумани судининг 06.05.2016 йилдаги 1-2908/2016-сонли ижро варақасига асосан, 04.08.2016 йилда қўзғатилган, 19275/18-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 H 705 DA бўлган, "Chevrolet Lasetti" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 40 361 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 1 февраль кунидаги аукцион савдоси учун 30 январь соат 16.00, 24 январь кунидаги аукцион савдоси учун 20 январь соат 16.00 гача. Аукцион савдоларида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

## Ҳикматлар гулдастаси

### ТИЛ ҲАҚИДА

*Агар тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан.*

**Замахшарий.**

* * *

*Тил арслон кабидир қафасда ётар,*
*Бу тутқун дарранда бошингни ёрар.*

* * *

*Сўзинг эҳтиёт қил, бошинг кетмасун,*
*Тилинг эҳтиёт қил, тишинг синмасун.*

* * *

*"Мени тил азоблар, эгар тик белим,*
*Бошимни кесмасдан, кесайин тилим".*

**Юсуф Хос Ҳожиб.**

* * *

*Тилингни бетиним қилма сўзга банд,*
*Тинглашга қулоғинг шайлагил ҳарчанд.*

**Абдураҳмон Жомий.**

* * *

*Кўнгул хазинасининг қулфи тил ва у хазина калитини сўз бил.*

* * *

*Ҳар бир кўнгул тил ханжаридан жароҳатланса, юмшоқ сўз ва ширин тил унга малҳам бўлади ва роҳат беради.*

**Алишер Навоий.**

* * *

*Фойдасиз сўзламаса қайси тил,*
*Она тил бўлгай ўшал тил, она тил.*

**Анбар Отин.**

*Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.*

# ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

*Чиноз туманидаги 14-Болалар мусиқа ва санъат мактаби нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам энг намунали билим даргоҳларидан ҳисобланади. Мактабда тўрт йилдан буён болалар ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри фаолият кўрсатиб келмоқда.*

## Эътибор

– Оркестримизнинг барча аъзоларини мактаб ўқувчилари ташкил этади, – дейди жамоа раҳбари Шуҳрат Ўскинбоев. – Ўтган йиллар давомида икки бора "Наврўз садолари" республика танловида муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олдик. 2017 йилда ушбу танловнинг мутлақ ғолиби бўлиш ниятидамиз.

Шу кунларда мусиқа ва санъат мактаби ҳар қачонгидан гавжум. Ўқувчилар ярим йиллик академик ҳисобот концертларида иштирок этмоқда. Бу концерт ёшлар учун катта имтиҳон ҳисобланади.

Айни пайтда мактабда 585 нафар ёш истеъдод эгалари таҳсил олмоқда. Уларга Татьяна Жалменова, Тоҳир Шомуккаррамов, Ирина Володина, Шаҳноза Сангиева сингари тажрибали муаллим ва устозлар мусиқа ва санъат сирларидан сабоқ беришмоқда.

– "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури"-га мувофиқ, капитал таъмирланган таълим масканимизда ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган, – дейди муассаса директори Азиза Полвонова. – Бундан нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар ҳам мамнун. Имкониятлар самарасини ўқувчи ва бадиий жамоаларимиз эришаётган натижаларда ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, мусиқа ва санъат даргоҳида иқтидорли ўқувчилар кўп. Умид Собиров ана шулардан бири. Умид ўтган йили Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган ёш ижрочилар халқаро танловида чолғу йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритди. Айни кунда у январь ойи охирларида Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтадиган ёш ижрочиларнинг халқаро танловига тайёргарлик кўрмоқда. Мактабнинг яна икки вакили – Миршоҳид Миржалолий ва Севара Дадонова ҳам ўз йўналишларида қатор танловларда совриндор бўлган.

Дарвоқе, якунланган йилда мактабда яна бир янги йўналиш – дамли, зарбли ва эстрада чолғулари бўлими ташкил этилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



*Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.*

## Бизга ёзадилар

*Оила – тарбия маскани. Ҳурмат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, ватанпарварлик, инсонийлик каби тушунча ва қадриятлар оилада шаклланади. Шу боисдан фарзандлар учун она ибрат, ота эса намуна бўлмоғи лозим.*

# БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Паркент туманидаги 31-умумтаълим мактабида "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Боланинг бегонаси бўлмайди" мавзуида ўтган давра суҳбатида ана шундай фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди мутахассислари, "Бойқозон" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этган тадбирда "Бир болага етти қўшни ота-она", "Маҳалланг отанг, онанг", "Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Пири бадавлат отахон ва онахонлар ўзларининг ҳаётий тажрибалари, қолаверса, фарзанд тарбиясидаги муҳим жиҳатлар тўғрисида сўзлаб беришди.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

# ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 14 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 5-7 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Қор кўчиши хавфи бор. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 2-7 даража совуқ бўлади.

## Шанба ҳазили

# Оҳангаронлик олимнинг "ихтиро"си



Шундай қилиб, хуррак балосидан қутуладиган бўлдик. Оҳангаронлик ёш олим бу борада узоқ изланар экан, ниҳоят, хуррак балосидан қутулиш йўлини топди.

Хуррак – мухтасар айтганда, бемаза касаллик. Бу дардга мубтало бўлганлар хурракни гумбурлатиб ухлайверадилар, аммо ён-атрофда қиёмат қойим бўлади. Шунақа хурраклар борки, дераза ойналари дош бера олмайди.

Хуррак овози ўзининг бетакрорлиги билан ҳам ажралиб туради. Тутун чиқазиш трубасига латта тиқиб қўйилган эски "Москвич" машинасининг бўғиқ патиллашига ёки жаҳон урушларида душман томонидан номардларча отилган снаряднинг бемаврид чийиллашига ўхшаш хурраклар бор. Шошқалоқ қассоб қўлида жон таслим қилаётган қўчқорнинг сўнгги нафаси ёки кўпкари чопилавериб тош бўлиб кетган ерни ҳайдай олмай бўкираётган тракторнинг дардли "ноласи"ни тасаввур қиласизми? Ғат-ғат хуррак, ҳингир хуррак, қўрр-қўрр хуррак... Эҳ-ҳе, бу саноқни яна қанча давом эттириш мумкин.

Бу дунёда ҳозир етти миллиарддан кўпроқ одам яшайди. Шунча одамнинг ичида бири иккинчисига айнан ўхшаш иккита одамни топа олмаганингиздек, иккита бир хил хурракчини ҳам топиб бўпсиз. Бири хуррагини дағдаға-ваҳима билан бошлайди, иккинчиси ҳазинлатиб туриб жонингизни олади, учинчиси ғирт шаллақининг ўзи – ҳай, дегенингиз сари авжига чиқади. Тўртинчиси бор – тингловчига қараб тўн бичади. Ана шуниси чатоқ.

Яқинда битта хуррак эшитдим – нақд "Ўхшайдику" ашуласининг мусиқаси: "Тапта татам – тутум-тутум, тапта татам – тутум-тутум...". Ҳар замонда даромад ҳам қилиб қўяди: "О, ҳо-йй". У ёнбошидан бу ёнбошига ағдариб қўйсангиз, баттар авжига чиқади – бу ёғи энди "Андижон полкаси". Чидамай уйқу ҳолича ўтказиб қўйдик. Эҳ, одам бошига ҳамма бало ўз қилмишидан келар экан. Ана хуррагу мана хуррак! Ўтирган жойида қўлини қўлига қўйиб, бошини қуйи солганча бир хуррак бошлади – бунақасини эшитмабсиз – дунёга келмабсиз: "Бекасам тўнлар кийиб, мунча мани куйдурасан. Ҳар замонда бир қараб..."

Хуллас, хуррак ҳақида ёзаман десангиз, тегирмоннинг новидан тушаётгандай қуйилиб келаверади.

Хўш, оҳангаронлик олимнинг ихтироси нимадан иборат экан, деган ҳақли савол туғилади. Марҳамат, танишинг: олим томонидан яратилган мўъжазгина овоз ютгич уйқу олдидан бурун катакларига жойлаштириб қўйилади. У ичкаридан гумбурлаб келаётган хуррак овозини тамомила сўндиради. Эътиборли томони шундаки, мослама инсон вужудига, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, ёқимли, хушбўй ҳид таратади. Хуррак қанчалар кучли бўлса, хонанинг ҳавоси шунчалар шаффоф бўлади. Мосламани айрим йиғилишлар пайтида ҳам бурун катагига жойлаштириб, бемалол дам олавериш мумкин.

Олимнинг айтишича, янги мослама бир неча машҳур хуррақчиларда синаб кўрилган ва мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Мухбиримизнинг: "Хурракка қарши мосламани қачон ва қаердан сотиб олиш мумкин?" деган саволига, афсуски, олим бироз мужмал жавоб қайтарган. Унинг фикрича, мосламани сотувга чиқаришдан олдин баъзи муаммоларни ҳал қилиб олиш зарур эмиш.

Масалан, хуррак отиш даражаси ҳар кимда ҳар хил бўлганидек, бурунлар ҳам бир-бирига асло ўхшамайди. Бировга ундайроқ, бировга мундайроқ мослама керак. Шундай бурунлар борки, улар учун алоҳида ўлчамли мослама тайёрланмаса, бўлмас. Демакки, мосламанинг ўлчамига қараб, унинг таннархини аниқлаш мумкин бўлади.

Бу масала тез кунларда ижобий ҳал бўлади, деган умиддамиз.

**Аҳмад ОҒА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Котибият: | 233-90-82, 233-79-96 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ**
Назоратчи мусаҳҳиҳ **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-7971. Адади 15 624. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.30.